

3. Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика: учебное пособие / Т.Д.Бурменко, Н.Н.Даниленко, Т.А.Туренко; под ред. Т.Д.Бурменко. – М.: КНОРУС, 2007. – С. 33.
4. Vu Quang Viet Consultant to UNSD's project Statistical Capacity Development in China and other Developing Countries in Asia 23 June 2010. Gross regional products: concepts and country practices. – 6 p. https://unstats.un.org/unsd/economic_stat/China/Gross%20Regional%20Products.pdf
5. Nikolay S.Sadovina, Tatiana N.Kokotkina, Tatiana G.Barkalova, Evgeny I.Tsaregorodseva. Modeling of the Gross Regional Product on the Basis of Production Functions. // International journal of environmental & science education. 2016, VOL. 11, NO. 17, 10635-10650.
6. Ключня В.Л., Балюк С.С. Методологические аспекты определения валового регионального продукта и региональной эффективности. // Весник БДУ. Сер. 3. 2012. №2. - 44 с.
7. Бочко В.С. Валовой региональный продукт: оценка развития территории. // Ж.: Теория хозяйствования. – с.3. <https://ws.studylib.ru/doc/2702295/teoriya-hozyajstvovaniya>
8. Salimov B.T, Salimov B.B. Madraximova G.R. Hududlarning yalpi mahsuloti, dinamikasi, tarkibi, hududlararo taqqoslama tahlili va ustuvor vazifalar. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2018-yil 2/2018 (№ 00034). – 1 – 8 b. www.iqtisodiyot.uz
9. Xorazm viloyatining statistik axborotnomasi. 2021-yil yanvar-dekabr. - Urganch, 2022. – 6-11 b. <https://www.lex.uz/uz/docs/5841063>



АҲОЛИГА ЯШАШ ЖОЙ ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИ РИВОЖИДА ИЧКИ ВА ЁНДОШ ТАРМОҚЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Рахимов Абдихаким Мухаммадиевич -
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институтини, мустақил изланувчиси

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a54

Аннотация. Мақолада минтақада яшаш жойи ва умумий овқатланиш хизматларининг ривожланиш тенденциясини тадқиқ этиш асосида асосий кўрсаткичлар бўйича минтақанинг салоҳиятини баҳолаш ҳамда бошқа ёндош хизмат турлари билан параллель ривожланиш қонуниятлари мавжуд эканлиги эконометрик моделлаштириш ёрдамида тадқиқ этилди. Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш объектлари фаолиятининг яшаш жойи ва умумий овқатланиш хизматлари тармоғи иқтисодий ўсиш кўрсаткичига таъсири бугунги кунда минтақанинг мазкур тармоқ ривожланиш устувор йўналишларини белгилашда эътиборга олинishi зурур бўлган муҳим жиҳат эканлигини асослаш баёни келтирилди.

Калит сўзлар: эконометрик модель, корреляцион боғлиқлик, чизиqli модель, яшаш жойи ва умумий овқатланиш хизматлари, ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар, молия хизматлари, транспорт хизматлари, меҳмонхона объектлари.

ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ВНУТРЕННИХ И ПОДХОДНЫХ СЕТЕЙ НА РАЗВИТИЕ УСЛУГИ ЖИЛИЩНО И ОБЩЕСТВЕННОГО ПИТАНИЯ НАСЕЛЕНИЯ (НА ПРИМЕРЕ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ)

Рахимов Абдихаким Мухаммадиевич -
Каршинский инженерно-экономический институт,
независимый исследователь

Аннотация. В статье оценивается потенциал региона по основным показателям на основе изучения тенденций развития жилищно и общественного питания в регионе, а также наличия закономерностей параллельного развития с другими смежными услугами с использованием эконометрического моделирования. Констатируется, что влияние деятельности гостиниц и аналогичных средств размещения на экономический рост жилищно и общественного питания является важным фактором, который следует учитывать при определении приоритетов развития данной отрасли в регионе на сегодняшний день.

Ключевые слова: эконометрическая модель, корреляция, линейная модель, услуги по жилищно и общественного питания, информационно-коммуникационные услуги, финансовые услуги, транспортные услуги, отели.

**ASSESSMENT OF THE IMPACT OF INTERNAL AND APPROACH NETWORKS ON
THE DEVELOPMENT OF HOUSING AND PUBLIC CATERING SERVICES
(ON THE EXAMPLE OF KASHKADARYA REGION)**

Rakhimov Abdikhakim Muhammadievich -
*Karshi Engineering and Economic Institute,
independent researcher*

Annotation. *The article assesses the potential of the region in terms of key indicators based on the study of trends in the development of housing and public catering in the region, as well as the presence of patterns of parallel development with other related services using econometric modeling. It was stated that the impact of the activities of hotels and similar accommodation facilities on the economic growth of housing and catering is an important factor that should be taken into account when determining the priorities for the development of this industry in the region today.*

Keywords: *econometric model, correlation, linear model, housing and catering services, information and communication services, financial services, transport services, hotels.*

Кириш. Аҳолига яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларининг кўрсатилиши ижтимоий реал зарурат бўлиб, шу нуқтаи назардан доимий ривожланиш тенденциясига эга бўлиши табиий воқелиқдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари ичида хизматлар тармоғининг жами ЯИМдаги улуши юқориликча қолмоқда. Яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ҳажми 2021 йилда 361,6 млрд. сўми ташкил этиб, бу кўрсаткич жами хизмат кўрсатиш ҳажмининг 2,7 фоизига тенг бўлмоқда [1]. Бу маълумотлар яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ҳажмининг кичик улушга эга эканлигини кўрсатаётган бўлса-да, мазкур хизматлар соҳасининг сўнгги 12 йилдаги ўртача ўсиш суръати 116,7 фоизни ташкил этади. Бу эса умумиқтисодий тармоқларнинг ўсиш суръатидан анча юқори ҳисобланади.

Юртимиз аҳолисининг миллий менталитетидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, яшаш жой, айниқса, умумий овқатланиш тармоғини истиқболда ривожлантириш зарурати муқаррар ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир. Бу эса ўз навбатида, мазкур хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларини аниқлаш, барқарор ўсиш тенденциясини таъминлаб берувчи устувор омилларни тадқиқ этиш билан устувор йўналишларни белгилаш каби вазифаларни келтириб чиқаради.

Мазкур мақолада минтақада яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларининг ривожланиш тенденциясини тадқиқ этиш асосида асосий кўрсаткичлар бўйича минтақанинг салоҳиятини баҳолаш ҳамда бошқа хизмат турлари билан параллель ривожланиш тенденцияси тадқиқ этилди.

Бизнингча, минтақанинг яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларини ривожлантириш учун унинг мавжуд салоҳиятини баҳолаш уни ташкил этувчи бир қанча муҳим омилларга боғлиқ бўлади. Бу эса кўп омилли моделлаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Тадқиқот жараёнида минтақада яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларининг ёндош хизмат кўрсатиш фаолияти, тармоқнинг иқтисодий ўсишида асосий ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги таҳлиliga эътибор қаратиб ўтдик.

Бизнингча, хизмат кўрсатиш тармоқларининг ўзаро узвийлиги катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Шу сабабли яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ривожини асосий баъзи хизмат турлари билан боғлашга ҳаракат қилдик. Жумладан, ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар, молия хизматлари, транспорт хизматлари фаолиятини танладик.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларини ривожлантириш жараёнини омилли тадқиқ этиш, мазкур иқтисодий жараённи моделлаштириш зарурати бир қатор олимларнинг илмий ишларида ёритилган бўлиб, уларда турли иқтисодий, ижтимоий ҳодисаларнинг ўзгариш қонуниятларини миқдорий ўрганишда, қонуниятларни вужудга келтирувчи омилларнинг ўзгариш тенденциясини баҳолашда қўлланиладиган эконометрик усуллар ва моделлаштириш технологияси баён этилган.

Яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларини ривожлантириш жараёнини замонавий моделлаштириш бўйича муҳим ёндашувлар хорижлик олимлар Роб Лав, Нан Жуаннинг[2] илмий тадқиқотларида ёритил-

ган. Олимларнинг илмий асарларида меҳмонхона саноати ривожининг истиқболдаги кўрсаткичларини ҳисоблашда қайси замонавий омилларнинг роли ўсиб бораётгани, прогноз қийматларини айти шу омилларга боғланган моделлар ёрдамида ҳисоблаш ғояси илгари сурилади.

А.С.Маттила, И.Й.Лин илмий асарларида ресторанлар фаолиятининг истиқболдаги ривожланиш кўрсаткичларини баҳолаш ва ривожлантириш омилларини тадқиқ этишга катта эътибор қаратилган [3].

Халқаро иқтисодий хавф мавжуд бўлган шароитда мазкур хизматлар соҳасининг муаоммоларини кўп омилли тадқиқ этишда эконометрик моделларнинг аҳамияти тўғрисида хорижлик олим Филип Котлернинг илмий ишларида кузатиш мумкин. У моделлаштириш жараёнида инновацион ривожлантириш омилларидан кенг фойдаланган [4].

Стефан Мак, Виолетта Вилк, Клара Ламбердлар томонидан [5] меҳмонхона ва ресторанларнинг замонавий фаолияти, жумладан, хизмат кўрсатишни ривожлантиришда интернет ва локал тармоқлардан фойдаланиш билан боғлиқ омилли таҳлиллар келтирилган.

Хорижлик олим Самуел Лукас илмий тадқиқотларида иқтисодий жараёнларни моделлаштириш босқичларининг маълум мезонларини келтириб ўтади. Унинг тадқиқот натижалари сифатида иқтисодий жараёнларни моделлаштириш жараёнларида кўп қўлланиладиган глобал моделларнинг кўп босқичли моделлаштириш бўйича камчиликлари, уларни бартараф этиш бўйича эконометрик мезонларни тўғри белгилаш ёндашуви асос-

лаб берилган [6].

Умумий олганда, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, хусусан, яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларини ривожлантиришни моделлаштириш ва прогнозлаштириш бўйича эконометрик моделларнинг кенг қўламда татбиқ этилишини кўриш мумкин.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, танланма кузатиш, анализ ва синтез, энг кичик квадратлар усули, корреляцион ва регрессион таҳлил усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Танланган хизмат турлари ҳамда яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларининг асосий кўрсаткичи (бундан кейин омиллар деб юритилади) бўйича миқдорий катталиклар учун қуйидагича белгилашларни киритамиз.

Яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ҳажми (млрд. сўм) – Y;

Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар (млрд. сўм) – X₁;

Молия хизматлари (млрд. сўм) – X₂;

Транспорт хизматлари (млрд. сўм) – X₃;

Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш объектлари сони (бирлик) – X₄.

Танланган омилларнинг манбаларда келтирилган [1] номинал қийматларидан таққослаш имкониятига эга бўлиши учун нархлар индекси бўйича 2010 йилни базис йил сифатида олиб, реал қийматларга ўтказилди. Бу омилларнинг қийматлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қашқадарё вилоятида яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ҳажми ва унга таъсир этувчи омилларнинг статистик маълумотлари (реал қийматларда)

Йиллар	Асосий кўрсаткичлар				
	Y	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄
2010*	5,8	64,9	94,1	349,2	23
2011	8,6304	96,5063	117,3427	436,8492	34
2012	9,726461	130,2835	130,8371	534,2666	33
2013	13,64622	167,9354	177,546	636,3115	43
2014	16,90767	216,3008	221,3998	744,4844	41
2015	20,98242	261,2914	289,3696	858,3906	37
2016	25,15792	288,727	388,6233	998,3082	44
2017	26,31519	321,0644	461,2959	1021,269	43
2018	24,58338	347,0129	566,1992	1057,187	43
2019	27,14006	392,1245	810,231	1151,277	62
2020	26,46156	437,611	1101,914	1134,008	45
2021	28,41971	525,1332	1400,533	1392,562	54

* базис йил

Манба: Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Мазкур кўрсаткичлар бўйича корреляцион таҳлил бу омилларнинг ўзаро боғлиқлик даражасига аниқлик киритиб беради. Шу сабабли омилларнинг келтирилган реал қий-

матлари, яъни 1-жадвал маълумотлари асосида корреляция коэффицентлари ҳисобланди (2-жадвал).

2-жадвал

Қашқадарё вилоятида яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар корреляция коэффицентларининг қийматланиши

	Y	X1	X2	X3	X4
Y	1				
X1	0,939657	1			
X2	0,781955	0,941693	1		
X3	0,973761	0,987382	0,885258	1	
X4	0,813089	0,816444	0,728927	0,839999	1

Манба: Муаллиф томонидан "EViews 10" дастурида ҳисобланган.

2-жадвал натижаларига кўра, яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ҳажми билан ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматларнинг корреляцион зичлиги жуда юқори, яъни бу икки миқдорий катталиклар учун ҳисобланган корреляция коэффицентлари 0,94 га тенг. Улар орасида нисбатан сустроқ боғлиқлик молия хизматларига тегишли (кўрсаткич 0,78 га тенг). Аммо бу "суст" боғлиқлик даражаси айни жадвалга бошқа кўрсаткичларга нисбатан ўринли бўлиб, аслида бу кучли зичлик интервалига тегишли. Эрки омиллар натижавий омил билан тўғри боғлиқликка эга.

Юқоридаги таҳлил натижалари танланган омилларнинг истиқболда яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ҳажмининг ўсиш тенденциясига таъсири юқори бўлиш эҳтимолини билдиради.

Иккинчи томондан, танланган барча эрки омиллар орасида ҳам кучли корреляцион боғлиқликни кузатамиз. Бу эса бу омиллардан бир вақтда бир модель таркибига киритиб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматларнинг ривожланиши яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларининг ривожланишига таъсирини қуйидагиларда кўриш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда бозор иқтисодиёти тамойиллари ахборот алмашинув майдо-нида тавсифланади. Демак, яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларининг ҳажман ва сифат жиҳатдан яхшиланиши мунтазам алоқа воситалари ёрдамида ахборот алмашинув сифати ва ҳажмига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ҳа, бу ерда реклама, глобал кузатув, тажриба алмашиш, ўзаро бизнес ҳамкорлик, электрон давлат хизматлари, он-лайн буюртма ва бошқаларга урғу беришга ҳожат қолмайди.

Молия хизматларининг тўғри ташкил этилиши, давлат идораларининг тадбиркорларга яратиб берадиган имкониятлари, қулайликлари билан белгиланиши кейинги йилларда кўп эътироф этилаётган жиҳатлардан биридир.

3-жадвал

Қашқадарё вилоятида яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ҳажми ва унга таъсир этувчи омилларнинг эмпирик боғлиқлигини ифода этувчи эконометрик моделлар

№	Моделлар	Детерминация коэффицентлари	t-статистика, p-қиймат	Эластиклик коэффицентлари
1.	$Y = 4,842 + 0,054X_1$	0,88	$t_{c_0} = 2,57; p = 0,03$ $t_{c_1} = 8,69; p = 0,00$	0,75
2.	$Y = 12,205 + 0,015X_2$	0,62	$t_{c_0} = 5,09; p = 0,00$ $t_{c_1} = 3,97; p = 0,00$	0,37
3.	$Y = 0,024X_3$	0,95	$t_{c_0} = -1,1; p = 0,3$ $t_{c_1} = 13,5; p = 0,00$	1,09
4.	$Y = 0,667X_4$	0,66	$t_{c_0} = -1,3; p = 0,2$ $t_{c_1} = 4,41; p = 0,00$	1,43

Манба: муаллиф томонидан "EViews 10" дастурида тузилган.

Ҳақиқатан ҳам, агар бу тамойил ўз маъносига эга бўлса, у ҳолда молия хизматлари қанча кўп кўрсатилса, тармоқларнинг хизмат кўрсатиш ҳажми ортиши табиийдир.

Транспорт хизматлари яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларини ривожлантиришда инфратузилманинг аҳамияти, замонавий жамият кўринишининг зарур қонуниятлари асосида юзага чиқувчи эҳтиёжларнинг маҳсули сифатида бевосита ва билвосита таъсир этади. Юқорида кўриб ўтганимиз каби бу таъсир кучли ва тўғри боғлиқлик билан баҳоланмоқда.

Кейинги ўринда бу омилларнинг таъсир даражасини баҳолаш учун эконометрик моделлар ишлаб чиқамиз. Натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

Тузилган чизиқли моделлар адекватлик мезонларини тўлиқ қаноатлантиради. Буни 3-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин. Ҳар бир модель бир омилга боғлиқлиги уларнинг Фишер кўрсаткичини ҳисоблашга зарурат қолдирмайди. Ҳар бир омил бўйича тузилган моделларнинг чизиқлилик даъвоси ўринли. Ҳақиқатан, 3-жадвал маълумотларига кўра чизиқли эмаслик гипотезаси рад этилади.

Хулоса ва таклифлар. Тузилган адекват моделларнинг натижарига асосланиб, қуйидагиларни асосий хулосавий фикрларимиз сифатида баён этишимиз мумкин.

1. Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматларнинг яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ўртасида кучли ва тўғри эконометрик боғлиқлик мавжуд. Бу икки тармоқнинг истиқболдаги ривожланиш тенденцияси параллеллик хоссасига эга. Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар ҳажмининг 1 фоизга ўсиши яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларининг 0,75 фоизга ошишини таъминлайди.

2. Молия хизматларининг яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлиги кучли ва тўғри эканлиги келиб чиқмоқда. Молия хизматларининг тўғри ва самарали ташкил этилиши

яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларининг ривож учун аҳамиятли омил бўлиб қолмоқда. Молия хизматлари ҳажмининг 1 фоизга ўсиши яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларининг 0,37 фоизга ошиши билан бирга келмоқда.

3. Транспорт хизматларининг яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ўзаро кучли ва тўғри корреляцион боғлиқликка эга. Транспорт хизматлари ҳажмининг ортиши яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларининг ривож учун аҳамиятли эканлигини натижавий танланган хизмат турининг ижтимоий инфратузилма объектларини тўғри шакллантиришга бевосита боғлиқ бўлиши ҳақидаги фикримизнинг ўринли эканлиги билан асослаш имконига эга бўлди. Транспорт хизматлари ҳажмининг 1 фоизга ўсиши яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларининг 1,09 фоизга ошишига олиб келади.

4. Меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш хизмат объектлари сонининг ортиши яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ортишининг ички, ажралмас омили эканлигини кўришимиз мумкин. Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш объектлари сонининг 1 фоизга ўсиши яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларининг 1,43 фоизга ошишини таъминлайди.

5. Моделлаштириш натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, Қашқадарё вилоятида мавжуд меҳмонхона, умумий овқатланиш объектлари сонининг ортиши, хизмат кўрсатувчи субъектлар сонининг ортишини билдириб, бугунги кунда соҳанинг хизматлар ҳажми ортиши учун энг асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса сўнгги 12 йиллик статистик маълумотларда келтирилган минтақада меҳмонхоналар сони ҳамда айнан шу тармоқда хизматлар ҳажмининг камлиги, яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари иқтисодий ўсиш кўрсаткичининг нисбатан паст эканлигига бевосита таъсир кўрсатиб турган муҳим омил эканлигини асосламоқда.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси ахборотномаси. Электрон манба: <https://www.qashstat.uz/uz/rasmiy-statistika/services-2>
2. Nan Jiang, Rob Law, Li Li. Impacts of peer-to-peer accommodation on the hotel industry: Hoteliers' perspectives. *International Journal of Hospitality Management*. 88 (2020) 102516 / <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0278431920300682?via%3Dihub>
3. Mattila, A.S., Lin, I.Y. Restaurant servicescape, service encounter, and perceived congruency on customers' emotions and satisfaction. *Journal of Hospitality Marketing & Management* (2010), 19(8), 819-841.
4. Котлер Ф. Reinventing marketing to manage the environmental imperative. *Journal of Marketing*, (2011). 75, 132-135.

5. Meek, S., Wilk, V., & Lambert, C. (2021). A big data exploration of the informational and normative influences on the helpfulness of online restaurant reviews. *Journal of Business Research*, 125, 354-367.
6. Lucas, S.R. (2014). An inconvenient dataset: bias and inappropriate inference with the multilevel model. *Quality and Quantity*, 48(3), 1619-1649.
7. Шодиев Э.Т. Развитие теоретико-методических основ управленческого учета на предприятиях сферы услуг в области телекоммуникаций в Республике Узбекистан. // Бюллетень науки и практики. 2020. Т. 6. № 11. С. 288-293. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/60/35>
8. Басовский, Л.Е. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. / Л.Е. Басовский. – М., 2002.
9. Molchanov N.N., ed. *Маркетинг в информационном обществе [Marketing in the information society]*. – Moscow: RG-Press, 2013. – 408 p.
10. Molchanov N.N., Kerstin Pezoldt. Выбор метода прогнозирования объема продаж малого предприятия. Теория и практика управления и менеджмента. Экономика и управление. № 4 (162) 2019. Стр. 501-507.
11. Geektimes. Прогнозирование финансовых временных рядов. [Электронный ресурс], 2006-2017. URL: <https://geektimes.ru/post/144405/> (датаобращения: 03.05.2017)
12. Жўраев Ф.Д. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг истиқболдаги муаммолари ва уларни эконометрик моделлаштириш. // Иқтисодиёт ва таълим журнали. 4-сон. – Т., 2021 йил. 377-385-б.
13. Жўраев Ф.Д. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳудуднинг базавий салоҳиятини аниқлаш жараёнини эконометрик моделлаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида). // “Бизнес-эксперт” иқтисодий илмий-амалий журнал. 8 (164)-сон. – Т., 2021 йил. 52-58-б.
14. Mukhitdinov K.S., Rakhimov A.N. Empirical models which were built for each sector of the service sector to the population of the region. // *South Asian Journal of Marketing & Management Research*. 2020. Т. 10. №. 12. С. 72-85.
15. Очилев М.А., Рахимов А.Н. Қашқадарё вилояти аҳолисига транспорт хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини тренд моделлари асосида баҳолаш. // Иқтисодиёт ва таълим журнали. 4-сон. 2021 йил. 398-402-б.



ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ХУДУДЛАРНИНГ НОТЕКИС РИВОЖЛАНИШ МОДЕЛЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Сатторов Санжар Абдумуродович -
Термиз давлат университети
мустақил изланувчиси.

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a55

Аннотация. Мақолада глобаллашув шароитида ҳудудларнинг нотекис ривожланиш моделларининг афзалликлари ва муаммолари ҳақида фикр билдирилган. Унда ҳудудлар ўртасида нотекис ривожланишга барҳам бериш учун ҳудуд ичидаги тақсимлаш муаммоларига эмас, балки ҳудудлар ўртасида ресурсларни тақсимлашга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлиги, жараёни бошқариш учун оптималлаштириш моделларидан фойдаланган ҳолда қарор қабул қилувчилар ва режалаштирувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари янада яқинроқ моделлаштирилиши зарурлиги кўрсатилган ўтилган.

Калит сўзлар: ҳудудларнинг нотекис ривожланиши, модель, ҳудуд ичидаги тақсимлаш, ресурс, бошқариш, оптимал модель, ўзаро муносабат, моделлаштирилиши.

ПРЕИМУЩЕСТВА И ПРОБЛЕМЫ МОДЕЛЕЙ НЕРАВНОГО РАЗВИТИЯ ТЕРРИТОРИЙ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Сатторов Санжар Абдумуродович -
Независимый исследователь
Термезского государственного университета.

Аннотация. В статье рассматриваются преимущества и проблемы неравномерности моделей развития регионов в условиях глобализации. В нем подчеркивается необходимость сосредоточиться на распределении ресурсов между регионами, а не на проблемах внутрирегионального распределения, чтобы более точно моделировать поведение лиц, принимающих решения, и планировщиков, а также их взаимодействие с использованием моделей оптимизации для управления процессами.

Ключевые слова: неравномерность развития регионов, модель, внутрирегиональное распределение, ресурс, управление, оптимальная модель, взаимодействие, моделирование.